



## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖИНОЯТНИНГ МАХСУС СУБЪЕКТИ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

**Каракетова Дилноза Юлдашевна**

Тошкент давлат юридик университети

Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши куришиш кафедраси

катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д.

E-mail: d.yu.karaketova@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10618751>

### ARTICLE INFO

Received: 26<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 04<sup>th</sup> February 2024

Online: 05<sup>th</sup> February 2024

### KEY WORDS

Жиноят субъекти, ёш, ақли расолик, белгилар, жавобгарлик, квалификация.

### ABSTRACT

Мақолада жиноятнинг махсус субъекти тушунчаси билан боғлиқ асосий жиҳатлар кўриб чиқилган. Ушбу институтнинг муаммоли масалалари ва жиноятнинг махсус субъектига хос хусусиятлар таҳлил қилинган. Ушбу мавзунини ўрганиш жиноятнинг махсус субъекти тушунчасини қонунчиликда мустақамлаш ва ушбу ҳуқуқий институтнинг хусусиятларини тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради.

Жиноятнинг махсус субъекти тушунчасига жиноятнинг умумий субъекти белгилари билан бир қаторда, қўшимча белгиларга ҳам эга бўлган шахсдир, деб берилган таъриф назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

О.С. Иоффе ва М.Д. Шаргородский: “Агар назария амалиётнинг инъикоси ва умумлаштирилиши деб эътироф этадиган бўлсак, фақат чинакам илмий назария негизида ижобий амалий самарага эришиш мумкин. Бу объектив воқелик ҳодисаларининг, айниқса, мазкур билим соҳаси учун фундаментал аҳамиятга эга бўлган ҳодисаларнинг моҳиятини ифода этувчи тушунчаларни ишлаб чиқиш зарурлигини назарда тутади”[1], дейдилар.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунида жиноятнинг махсус субъекти тушунчасига умумий таъриф берилмаган.

Жиноят ҳуқуқида жиноят субъекти умумий тушунчаси билан бир қаторда алоҳида тушунча – жиноятнинг махсус субъекти тушунчасининг мавжудлиги фақат одамларнинг маълум фаолияти ва уларнинг қонунда белгиланган мажбуриятларни бажариши билан боғлиқ алоҳида жиноят турларининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи томонидан бошқа жиноятлардан фарқли ўлароқ, баъзи бир жиноятлар учун жавобгарликни белгилашда уларнинг субъекти сифатида жиноят содир этишга қодир бўлган ҳар қандай шахсни эмас, балки қонунга асосан алоҳида хусусият ёки белгиларга эга шахс назарда тутилади.

Ҳар бир муайян ҳолатда жиноятнинг махсус субъектини тавсифловчи хусусият ва белгиларини тўғри аниқлаш жиноят қонунининг амалда тўғри қўлланишининг зарурий шартидир, чунки, умуман олганда, бир қатор ҳолларда жиноят субъектининг



хоссалари, унинг алоҳида белгилари жиноятларни квалификация килишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Амалдаги жиноят қонунига мувофиқ, жиноятнинг махсус субъектлари жумласига мансабдор шахслар, ҳарбий жиноятлар содир этган ҳарбий хизматчилар, маълум касб эгалари ёки муайян фаолият билан шуғулланувчи шахслар киради. Шу билан бирга, қонунда жиноятнинг махсус субъектига умумий тушунча берилган эмас. Бу, табиийки, махсус субъектли жиноятлар таркибини юридик таҳлил килишни, махсус субъектни бошқа субъектлардан ажратиш имконини берувчи хусусият ва белгиларини тўғри ақлашни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам жиноятнинг махсус субъекти тушунчасини тўғри аниқлаш, одил судловни амалга оширишда қонунийлик принципига амал қилишнинг зарурий шартларидан бири сифатида ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Бир қатор жиноятлар таркиблари шундай тузилганки, уларнинг субъекти қонунда белгиланган ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс эмас, балки, субъектнинг юқорида зикр этилган умумий белгилари билан бир қаторда, маълум қўшимча белгиларга ҳам эга бўлган шахсгина бўла олади.

Ёш, ақли расолик – субъектнинг зарурий аломатлари ҳисобланади, аммо қонун чиқарувчи бир қатор ҳолларда жиний жавобгарликка тортиш имкониятини фақат улар билан эмас, балки жиноят субъектининг махсус белгилари билан ҳам боғлайди.

Қонунда ЖК Махсус қисмининг муайян жиноят-ҳуқуқий нормасига киритилган қўшимча белгилар барча жиноятлар учун таалуқли бўлмай, жиноятнинг умумий субъекти учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Мазкур белгилар муайян жиноят таркиби учун зарурий бўлиб, мазкур турдаги қилмишлар ва жиноятчининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Муайян жиноят-ҳуқуқий норманинг диспозициясида махсус субъект белгиларининг мавжудлиги мазкур жиноят учун жавобгар бўлиши мумкин бўлган субъектлар доирасини белгилайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддасида жавобгарлик белгиланган қилмишининг субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс эмас, балки қонунда белгиланган маълум хусусиятларга эга бўлган – зиммасига меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш мажбурияти юкланган мансабдор шахсгина жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Маълумки, шахсни жиний жавобгарликка тортиш учун жиноятнинг умумий субъекти зарурий юридик белгилар, яъни - ақли расо ва қонунда белгиланган жавобгарлик ёшига тўлган бўлиши шарт. Аммо, бир қатор жиноятлар учун шахсни жавобгар қилишда, умумий субъектнинг юқорида зикр этилган белгилари билан бир қаторда, бошқа қўшимча белгиларнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб қилинади. Ушбу қўшимча белгилар муайян шахслар доирасининг тавсифига таалуқлиги бўлганлиги сабабли улар юридик адабиётларда факультатив белгилар деб аталади.

Махсус субъектлар ўзларига берилган тавсиф билан боғлиқ бир ва бир нечта белгиларга эга бўлишлари мумкин. Чунончи, аксарият махсус субъектлар, масалан, она (Ўзбекистон Республикаси ЖК 99-моддаси), савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи шахс (ЖК 188-моддаси), ҳарбий хизматчи (ЖК 295,302-моддалари) ва бошқалар фақат битта белгига эгадир. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг мазкур



моддаларига мувофиқ шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун, жиноят таркибининг бошқа белгилари билан бир қаторда, субъектнинг махсус субъектлигини кўрсатувчи белгини аниқлаш етарлидир.

Шу билан бирга, қонунда бир нечта белгиларга эга бўлган махсус субъектли жиноят таркиблари ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 206-моддаси 2-қисмига мувофиқ, масъул лавозимни эгаллаган (биринчи аломат) мансабдор шахс (иккинчи аломат) мазкур моддада назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин; Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддасига мувофиқ, муайян участкада меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ёки мазкур қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш мажбурияти юкланган (биринчи аломат) мансабдор шахс (иккинчи аломат) мазкур моддада назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин ва ҳ.к. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг ушбу моддаларига мувофиқ айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш учун махсус субъектнинг бир нечта белгиларининг мавжуд бўлиши талаб этилади. Агар мазкур белгиларнинг биттаси бўлмаса ҳам, қилмишни ЖКнинг тегишли моддаси бўйича квалификация қилиб бўлмайди.

Жиноят махсус субъектининг белгилари жиноят ҳуқуқий норманинг диспозициясида тавсифланади ёки ундан бевосита келиб чиқади. Аксарият ҳолларда улар ЖК Махсус қисми тегишли моддаси диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилади, яъни қонун чиқарувчи томонидан мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин бўлган шахснинг аломатларини кўрсатилади. Баъзи ҳолларда мазкур аломатлар ЖКнинг алоҳида нормаларида тавсифланган. Масалан, ўта хавfli рецидивист тушунчаси тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддасида мустаҳкамланган. Мазкур махсус субъектлар Ўзбекистон Республикасининг ЖКда анча кенг берилган, аммо, ЖКнинг ҳар бир моддасида мансабдор шахс, ўта хавfli рецидивист белгиларини тавсифлаб ўтирмаслик учун, қонун чиқарувчи томонидан уларнинг тушунчаси алоҳида нормада берилган.

Махсус субъектларнинг белгилари кўпгина ҳолларда ЖК Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг асосий таркибларида тавсифланган, масалан, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортини бошқарувчи шахс (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 260-моддаси), ўзганинг мулки ишониб топширилган шахс (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси) ва ҳ.к. Қолган белгилар жиноятларнинг квалификация, алоҳида квалификация таркибларида назарда тутилган. Масалан, ўта хавfli рецидивист (Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддаси) ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг ЖКда жиноятларнинг аксарият таркиблари фақат битта махсус субъектнинг аломатларига эга: масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси (157-модда), судья (231-модда) ва бошқалар.

Баъзи бир ҳолларда моддалар диспозициясида, муқобиллик асосида, бир нечта махсус субъектнинг белгилари тавсифланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 224-моддасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 235, 238-моддаларида терговчи, гувоҳ, таржимон ва эксперт махсус субъект сифатида тилга олинади.



Баъзан махсус субъект, муқобиллик асосида, модда диспозициясида умумий субъект билан бирга кўрсатилади. Масалан, жазони оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси, 2-қисми) учун ҳам умумий, ҳам махсус субъектлар, айтайлик, ўта хавфли рецидивист, контрабанда (Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддаси) учун ҳам умумий, ҳам махсус субъектлар, айтайлик, мансабдор шахс жавобгар бўлади.

Баъзи бир нормаларда субъектга таъриф беришда қонун чиқарувчи орган маълум давлат бошқарув тизими ходимларига хос бўлган тавсифларни қўллайди. ЖК Махсус қисмининг ўн олтинчи бобида адлия органларининг мансабдор шахслари: суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, ИИО ходими томонидан содир этиладиган одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бир қатор нормалар (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 230-241-моддалари) мавжуд.

Шу билан бирга, махсус субъектли жиноятлар таркибининг баъзи бир белгилари ЖК Махсус қисмининг муайян нормасида кўрсатилмаган, аммо, жиноят таркибининг бошқа элементлари (объект, объектив томон) таҳлилидан келиб чиқиб, талқин қилиш йўли билан мазкур аломатларни аниқлаш мумкин, чунки ҳар бир элемент бошқа элементлар билан ўзаро таъсирга киришиб, маълум боғлиқликни вужудга келтиради ҳамда уларнинг ўрни ва мазмунини белгилаб беради[2].

Жиноятни квалификация қилишда жиноятнинг умумий ва махсус субъектига эътибор бериш зарур. Махсус субъектни тавсифловчи белгилар факультатив аломатлар жумласига киради. Аммо, жиноят махсус субъектининг муайян жиноят таркибига кирувчи белгилари зарурий белгиларга айланади ва жиноятни квалификация қилиш учун уларнинг мавжудлигини аниқлаш талаб этилади.

Шундай қилиб, жиноятнинг махсус субъектини тавсифловчи белгилар Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг диспозицияларида уч ҳолатда кўриб чиқилади. Биринчи ҳолатда махсус субъектни тавсифловчи белгилар жиноят таркибларининг асосий белгилари жумласига киритилган. Шу билан бирга, мазкур белгилар жиноят таркибларини тавсифловчи белгиларига ҳам хосдир. Масалан, ЖК 207-моддаси 1-қисмида махсус субъект назарда тутилади. Мазкур модданинг 2- ва 3-қисмлари махсус субъектга тўғридан тўғри ишора қилмаса-да, фақат махсус субъект - мансабдор шахс мазкур квалификациявий белгиларнинг субъекти бўлиши мумкин.

Иккинчи ҳолатда махсус субъектни тавсифловчи белгилар жиноят таркибларининг асосий белгилари эмас, балки квалификация белгилари жумласига киритилган. Масалан, ЖКнинг 164-, 169-моддаларида назарда тутилган «ўта хавфли рецидивист» квалификация белгиси махсус субъектга тааллуқли бўлиб, ушбу шахснинг ўғрилиқ ёки босқинчилик жинояти содир этиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисми ёки 164-моддаси 4-қисми бўйича жавобгарликка тортилиши учун асос бўлади.

Учинчи ҳолатда эса, махсус субъектни тавсифловчи белгиларининг асосий ва жазони оғирлаштирувчи таркибларга киритилиши қонун чиқарувчига жиний жавобгарликни асосли равишда дифференциация қилаш имконини беради.



Шу ўринда тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик)ни квалификация қилиш масаласини ўрганиш, айниқса, эътиборга молик, деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда тиббиёт ходими, бошқа ҳар қандай соҳа мутахассиси сингари, умумий асосларда, яъни ўз касбий фаолияти соҳасида ижтимоий хавфли оқибатларнинг рўй бериши сабабчиси бўлганлиги учун жинойий жавобгарликка тортилиши юзасидан ҳеч қандай баҳслар мавжуд эмас. Қилмишнинг қонунга зидлиги, яъни жиноят қонунида таъқиқланган оқибатларга олиб келганлиги мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфли эканлигини кўрсатади.

Жиноят қонунида юқорида айтилган тоифага мансуб жиноят - касалга ёрдам кўрсатмаганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддаси 2-қисми) учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус норма мавжуд.

ЖК 116-моддаси 2-қисмида касалга ёрдам кўрсатмаганлик учун жинойий жавобгарлик белгилангани ҳолда, жиноят субъекти тўғридан тўғри кўрсатилмаган, аммо унинг муҳим белгиси - қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ шахснинг касалга ёрдам кўрсатиши шарт эканлиги кўрсатилган. ЖК 116-моддасининг 2-қисмида махсус субъект кўрсатилган бўлмаса-да, аммо мазкур норма диспозициясининг мазмунидан врач, гинеколог, тиббиёт ҳамшираси, фельдшер ушбу жиноятнинг субъекти бўлиши мумкинлиги аён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган махсус қоидаларга мувофиқ, барча тиббиёт ва фармацевтика ходимлари (врачлар, акушерлар, тиббиёт ҳамширалари, фельдшерлар, провизорлар ва бошқалар) йўлда, кўчада ва бошқа жамоат жойларида фуқароларга дастлабки тез ёрдам чораларини кўрсатишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқида белгиланган умумий қоидага асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жиноят субъектлари бўлиши мумкин (ЖК 12-моддаси). Аммо, ЖК Махсус қисмидаги икки нормада шахснинг фуқаролик ҳолатидан келиб чиқиб, махсус субъект аломатлари мавжуд бўлган шахсларнинг жинойий жавобгарлиги белгиланган. ЖК 157-моддаси - давлатга хоинлик қилишнинг субъекти фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароси; ЖК 160-моддаси - жосуслик - чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентураси манфаатларида жосуслик қилиш фақат чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан содир этилиши мумкин, деб кўрсатилади.

Қонун моддасининг диспозициясида махсус субъект белгиларининг кўрсатилганлиги бу жиноятни ҳар қандай шахс эмас, балки айнан модданинг диспозициясида кўрсатилган белгиларга эга бўлган шахс томонидан содир этилиши мумкинлигини белгилайди.

Модда диспозициясида махсус субъект аломатларининг мавжудлиги доимо ушбу моддага мувофиқ жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини чегаралайди. А.Н. Трайниннинг фикрига кўра, қонунда жиноят субъектини тавсифлаш учун жиноят таркибига киритиладиган «белгилар» қуйидаги мақсадларга хизмат қилади: қонун чиқарувчи мазкур белгалар ёрдамида маълум жиноятлар ёки жиноятлар гуруҳи учун жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар



доирасини торайтиради ва, шу тариқа, ҳар қандай ақли расо, жисмоний шахс мазкур жиноят тури ёки жиноят тур хилининг субъекти бўла олмайди<sup>1</sup>, деган қоидани тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам махсус субъект аломатларига эга бўлмаган шахс мазкур қонунга мувофиқ жиноий жавобгар бўлиши мумкин эмас. Баъзи бир ҳолларда бу қилмишда жиноят таркибининг йўқлигини билдиради, яъни жиноят махсус субъект белгиларига эга бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, у жиноий жавобгарликка тортилмайди, бошқа ҳолларда эса, шахс жиноий жавобгарликка бошқа нормалар бўйича тортилади, яъни жиноят содир этган, аммо махсус субъект аломатларига эга бўлмаган шахс умумий субъектли жиноятни содир этганлиги учун жавобгар бўлади.

Масалан, пора олганлик учун фақат мансабдор шахс жавобгар бўлади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддаси). Агар бундай ҳаракатларни мансабдор бўлмаган шахс содир этган бўлса, мазкур шахснинг жиноий жавобгарлиги умуман истисно этилади ёки у фирибгарлик содир этган, деб топилади. Бундай ҳаракатлар жиноят ҳисобланмайди, чунки фақат мансабдор шахс пора олишнинг субъекти бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

Умумий субъектли шундай жиноят таркиби бўлган тақдирда, шахс мана шу жиноят учун жавобгар бўлади. Чунончи, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, яъни мансабдор шахснинг техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини бузганлиги (Ўзбекистон Республикаси ЖК 257-моддаси) учун фақат зиммасига маълум иш участкасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ёки мазкур қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш мажбурияти юкланган мансабдор шахслар жавобгар бўладилар. Агар мазкур жиноятни оддий ишчи содир этган бўлса, у шахсга қарши жиноят учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бу нуқтаи назардан ЖК 257-моддаси 2-қисми бўйича ҳукм этилган А.нинг иши, айниқса диққатга сазовор. Электр крани машинисти бўлиб ишловчи А. қоидани бузиб, кранда осилиб турган юк остида одамлар бўлган пайтда асосий ва ёрдамчи кўтариш мосламаларини бирваракай ишга солган. Бунинг натижасида трос узилиб кетган ва юк тушиб кетиб, Д.ни босиб қолган. Суд ҳукмида А.ни ЖК 257-моддаси 2-қисми билан жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди, чунки у мансабдор шахс эмас, деб жуда тўғри кўрсатилган ва унинг қилмиши ЖКнинг эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган 102-моддаси билан квалификация қилинган.

«Норманинг маъноси қонундан четда мавжуд бўла олмайди: у ҳамиша жиноят-ҳуқуқий нормада назарда тутилган белгиларнинг жамида мужассамдир»<sup>3</sup>, деб қайд этади В.Н. Кудрявцев. Қонунда белгилари кўрсатилмаган махсус субъектлар нотўғри талқин қилинмаслиги учун улар қонун нормаси диспозициясида кўрсатилиши лозим. Бинобарин, жиноят таркиби махсус субъектни назарда тутса, қонун чиқарувчи томонидан унинг белгалари қонун нормаси диспозициясида кўрсатилса, мақсадга

<sup>1</sup> Трайнин А.Н. Общее учение о составе преступления. С. 191, 194. Шунингдек Қаранг: Орымбаев Р. Специальный субъект преступления. С. 46; Дагель П.С. Учение о личности преступника. С. 90.

<sup>2</sup> Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Т.: ТДҶОИ, 2004. 203 б.

<sup>3</sup> Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. М., 1997, с. 104.



мувофиқ бўлади, чунки «муайян белгини жиноят таркибига фақат қонун чиқарувчи киритиши ёки чиқариб ташлаши мумкин»<sup>4</sup>.

Агар қонун нормаси диспозициясида махсус субъектнинг белгилари кўрсатилган бўлса, бу махсус субъектли жиноятларни квалификация қилишни анча энгиллаштиради, қонун нормасининг тўғри ва бир хилда қўлланишига кўмаклашади.

Юқорида зикр этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, жиноятнинг махсус субъекти бу жиноят умумий субъектининг белгилари (жиноий жавобгарлик ёши ва ақли расолик) билан бир қаторда, жиноят қонунида назарда тутилган ёки ундан бевосита келиб чиқадиган ҳамда мазкур қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлайдиган қўшимча белгиларга ҳам эга бўлган шахсдир.

## References:

1. Иоффе О.С., Шаргородский М.Д. О значении общих определений в исследовании вопросов права и социалистической законности. «Советское государство и право», 1963, №5, с. 49.
2. Брайнин Я.М. Основание уголовной ответственности и важнейшие вопросы учения о составе преступления в советском уголовном праве. М., 1967, с. 163; Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. Т.: Академия МВД, 1996. –с. 107.
3. Трайнин А.Н. Общее учение о составе преступления. С. 191, 194. Шунингдек Қаранг: Орымбаев Р. Специальный субъект преступления. С. 46; Дагель П.С. Учение о личности преступника. С. 90.
4. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Т.: ТДЮИ, 2004. 203 б.
5. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. М., 1997, с. 104.
6. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. М., 1997, 113-бет.
7. Abdurasulova, K. (2021). Stages Of Formation Of Criminological Doctrines In The Republic Of Uzbekistan And Some Tasks Of Modern Criminological Science. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 3(10), 40–51. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume03Issue10-08>
8. Абдурасулова, К. Р. "Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма." Т.: ТДЮИ 180 (2005).
9. Karaketova, D. (2022). PREVENTIVE PROTECTION OF THE INDIVIDUAL FROM CRIME. Академические исследования в современной науке, 1(17), 14-17.

<sup>4</sup> Ўша ерда, 113-бет.